

# “БУХОРО ШАШМАҚОМИ: ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ АМАЛИЙ АНЖУМАН

## МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2019 йил 25 февраль



Бухоро - 2019

Сафоев М.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

**БУХОРО ШАШМАҚОМИ: ТАРИХИЙ-  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси  
МАТЕРИАЛЛАРИ

“Дурдона” нашриёти  
Бухоро, 2019

УЎК 784(575.146)

85.314(5Ў)

М 14

Мадримов, Б.

Бухоро шашмақоми: тарихий-назарий ва амалий масалалари [Матн] : Республика илмий-амалий анжумани / Б. Мадримов. - Бухоро : Sadriddin Salim Buxoriy" Durдона nashriyoti, 2019. - 184 б.

КБК 85.314(5Ў)

### Масъул муҳаррир:

Б.Х.Мадримов-педагогика фанлари номзоди, профессор в.б.

### Тақризчилар:

Б.Мустафоев – педагогика фанлари номзоди, доцент

А.Р.Ҳамроев – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш” чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонига мувофиқ 2019 йил 25 феврал куни Бухоро давлат университетида “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили”га бағишланган “Бухоро Шашмақоми: тарихий-назарий ва амалий масалалари” мавзусида профессор-ўқитувчиларнинг Республика илмий амалий конференция материаллари асосида тузилди.

Мазкур тўпламда миллий, маданий ва маънавий мусикий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, санъат ва бадий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада оширишни рағбатлантириш, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларининг янада чуқур илдиз отиши, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг ўсиб келаётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш, ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш, маънан стук, интеллектуал ривожланган ва юқори маданиятли шахсларни тарбиялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш юзасидан мулоҳазалар баён этилган.

Тўпламга киритилган мақола ва тезислар мазмуни, илмийлиги ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.  
Тўпламга киритилган мақола ва тезислар мазмуни, илмийлиги ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

## КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

- А.А. Тўлаганов - Бухоро давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор, раис.
- Г.Т.Зарипов - Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, раис муовини.
- С.Қ. Қахҳоров - Бухоро давлат университети профессори, касаба уюшмаси раиси
- О.М. Қодиров - Бухоро давлат университети проректори, педагогика фанлари номзоди, профессор в.б.
- О.Х. Рахимов - Бухоро давлат университети проректори
- Э.М. Мухторов - Педагогика факультети декани, психология фанлари номзоди, аъзо.
- Б.Х.Мадримов - Мусиқа таълими кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, профессор в.б., аъзо.

## КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

О.Х.Рахимов - БухДУ молия ва иқтисод ишлари проректори

- Г.Т.Зарипов - Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи
- С.Қ. Қахҳоров - БухДУ профессори, п.ф.н., аъзо
- М.Х. Махмудов - БухДУ профессори, п.ф.д., аъзо
- Ш.Р.Баротов - БухДУ профессори, пс.ф.д., аъзо
- Э.М. Мухторов - БухДУ доценти, пс.ф.н., аъзо
- Б.Х.Мадримов - БухДУ профессор в.б, п.ф.н., аъзо
- Б.И. Мустафаев - БухДУ доценти, п.ф.н., аъзо
- С.Б. Саидий - БухДУ доценти, с.ф.н., аъзо
- С.Д. Дўстов - БухДУ доценти, п.ф.н., аъзо
- Ш.У.Норова - БухДУ катта ўқитувчиси, аъзо

таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадрятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур»<sup>1</sup> - деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Талабаларнинг улар бўйича оладиган билимлари, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларда оқибатда боболаримизнинг бизгача етиб келган бой маънавий меросини қай даражада тушуниб етганлигини аниқлашда ўта муҳимдир ва улар мактабга борганда ўз ўқувчиларининг машғулотларида самарали фаолият юрита олишида маънавий асос бўла олади.

Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадрятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур. Бу эса ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдида қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айна пайтда шарафлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup> ги фармони юзасидан ишлаб чиқилган бешта устувор йўналиши таркибида таълимга оид, яъни таълим ва фан соҳасини ривожлантириш вазифалари белгиланди. Белгиланган вазифалар қуйидагилар:

❖ узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

❖ таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

❖ мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

❖ умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

❖ болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

❖ касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

❖ таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

❖ илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш белгилаб олинди.

Белгиланган вазифаларнинг долзарблиги ва ўта зарурлиги ҳаёт тақозосидан, чунки иқтисодий глобаллашув жадал ривожланиб бораётган бир вақтда эскича усуллар, билимлар билан ҳеч бир соҳани бошқариб бўлмайди. Демак, биз педагог сифатида ўзгаришни ўзимиздан бошлашимиз лозим деб ҳисоблайман.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Х. Сафоев

БухДУ харбий таълим факультети катта ўқитувчиси

Анъаналаримиз - бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эътиборга лойиқ, мавжуд ижтимоий, иқтисодий муносабат, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизими билан боғлиқ. Инсонлар онгида маълум бир давр ичида сингиб кетган ва уларнинг ҳаётда доим учраб турадиган ишлаб чиқариш усул ва услублари ҳамда устун турувчи сиёсий онглари кундан кунга ривожланиб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда анъана-бу бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган аввалги авлоддан мерос бўлиб қолган миллий ва умуминсоний кадрятларимиздан биридир. Ўзбек халқининг анъаналарига Ўзбекистонга, унинг ерига, табиати, инсонларига бўлган муҳаббат, Ватанимиз анъаналари, маданияти, тарихини билишга интилиш. Республикамыз эришган ютуқлари ва қудратидан фахрланиш ва бошқалар киради. Ёшларга харбий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. <http://www.uza.uz>

<sup>2</sup> «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли Фармони [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)

ватанпарварлик тарбияси беришда авлод-аждодларимиз тўплаган тажрибаларига асосланган ҳолда иш олиб борилади.

Анъаналар халқнинг аниқ тарихий асоси билан белгиланади, уларни ўз-ўзидан бир халқдан олиб иккинчи халққа сингдириб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг, бир миллатнинг ўз анъаналари мавжуддир. Уларнинг баъзиларида умумийлик ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Жанговар анъаналар кўп давлатлар армияларида ҳарбий билимни эгаллаш, ўз касбини севиш каби меҳнат анъаналаридан иборатдир.

Шундай анъаналари ҳам борки, улар фақатгина шу халққа, миллат ёки минтақага мансубдир.

Мисолдаги ўзбек анъана ва одатларида халқ қалби ва табиати ўзининг сўнмас аксини топади: меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, болажонлик, табиатни севиш ва дўстлик.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг барча қадриятлари қайта тикланди. Шу сабабли ҳам ёшларимиз ўзлари истикомат қилаётган юртнинг анъана ҳамда одатларини билишлари шарт. Мисол учун, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги асосида инсонни чуқур ҳурмат қилиш ётибди. Уйга меҳмон келса, мезбон уйдаги бор нарсани аямайди, меҳмонлик ҳурматини бажо келтириши ўзининг бурчи деб билади. Ана шу фикрларга далил сифатида қуйидаги бир неча ўзбек халқ мақолларини келтиришимиз мумкин. Масалан: «Меҳмон отангдан улуғ», «Уйингда меҳмон бўлса, сен мушукни ҳам ҳайдама, меҳмон буни ўз шаънига айтилашти деб тушунтириш мумкин», «Уйингда ноини бўлмаса уни ширин сўз алмаштирсин», «Меҳмонни кетмасин десанг, ошни олиб келмай тур». Чунки Ўзбекистонда ошдан олдин туриш беҳурматлиги ҳаммага маълум.

Меҳмондўстлик анъаналари-бу жамиятнинг умумий бир хусусиятидир. Бунга иккинчи Жаҳон уруши даврида душман босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган оилаларга кўрсатилган ёрдамни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Минглаб инсонлар бу ерда ўз тинчлигини топди, кўпчилик учун Ўзбекистон уларга Ватан бўлиб қолди. ўзбек оилаларида ота-оналарини йўқотган болалар тарбиялана бошладилар. Пойтахтимизнинг халқлар дўстлиги майдонида темирчи Шомахмуд ота ва унинг хотини Баҳри аяга ёдгорлик хайкали ўрнатилган. Ушбу ватанпарвар инсонлар 14 турли миллат болаларини фарзанд қилиб олиб, ўз бағриларида тарбияладилар.

Ўзбекистон юрти яъни халқи нонни жуда ҳам эъзозлайди ва қадрлайди. Ёш кари ерга нон тушса дархол олиб, уни кўзига суртади. Ўзбекларнинг хашарларичи. Ўзбекистонда қадимдан ерни суғориб деҳқончилик қилинади, инсонлар чўлга қарши бирлашиб меҳнат қиладилар. чунки қумли чўлни яққа бўлиб снгиб бўлмайди. Табиат қийинчиликларига қарши бирлашиб курашишни халқда жамоатчилик бўлиб, бир - бирига ўзаро ёрдам бериш кенг тус олган анъаналаридан биридир. Хашар - бу жамоатчилик ишида ихтиёрий иштирок этишдек ажойиб анъана бўлиб, уй қуриш ва ҳосилни йиғиб олишда, бегараз ёрдам беришдан иборат. 1939 йили пахтани суғориш учун сув танқислиги сабабли 160 минг кўнгилчилар хашарда иштирок этиб, 45 кунда 270 км.лик катта Фарғона каналини барпо этдилар.

Минтақамиз анъаналарига мисол қилиб Навруз байрамини кўрсатиш мумкин. Наврўз-Шарқ мамлакатларида баҳорги дала ишлари бошланиш давридир. Кўпгина гарб давлатлари эса янги йил арафасида Рождество байрамини нишонлайдилар. Булар ҳам халқларнинг турли анъана ва одатлардан биридир. Юзага келган ва жамиятда мустаҳкам ўрин олган анъаналар энг аввал жамиятимиз ва мавжуд тузумга сабаб бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, ибтидоий жамоа тузумида ҳозирги даврдан фарқли ўз анъаналари ҳам турли халқларда бир хил бўлмаган. Улар халқнинг маданияти, унинг ўтмиши билан, жамият муносабатларидаги ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқдир. Анъаналар ўз -ўзидан юзага келмайди, уларда доимий тус олган одатлар мустаҳкамланиб қолади, яъни улар маълум асослар негазида юзага келади. Анъана-бу ўтмиш ва ҳозирги даврни келажак билан боғловчи бир қисмидир, Айнан улар ёрдамида ушбу тизим ижтимоий-сиёсий муносабатларини талаб этадиган керакли сифат ва тажрибаларни янги авлодга етказишни амалга оширилади.

Анъаналар бир қатор аҳамиятли аломатларга эга.

1. Умумийлик. Анъаналар ўзининг тўғрилилик ва кераклиги билан рағбатланиб ва қўллаб-қувватлашлари, унинг ёзилмаган ахлоқий қонун қоидалари сифатида тан олишга имкон беради.

2. Мустаҳкамлик. Анъаналар юзага келиб ва ривожланиб вақти келиб мустаҳкам жамият оdatига айланади. Шундай қилиб улар ўқув, меҳнат ва ҳарбий жамоаларни жипслаштиради, Бу эса шахсни тарбиялаш жараёнини айтарли даражада енгиллаштиради.

3. Ҳаётийлик. Анъана-бу ўйлаб топилган тизим эмас балки ҳаётий жараён, ҳақиқат, инсонларнинг ҳаракат ва ишончида ўз аксини топган, кўпгана анъаналар ташқи кўринишдан ёрқин ва тантанаворли, чиройи билан қамраб олинган. Улар кўпинча беақлар, хаяжонли - завқли ҳамда таъсирли маросим сифатида ўтказилади.

4. Абадийлик. Гўзал, бой ижтимоий қадриятларни, анъаналарни, ўзининг қадимий мазмунини йўқотган ёки ўзгарган ҳолда ҳам давом этиши яъни хотирада сақланиши, ўтмиш қаҳрамонликларини абадий асраш-абадийлик дейилади.

5. Ворислик. Бизнинг анъаналаримизда ҳар-бир ватанпарвар учун қадрли бўлган туйгуларни давом эттириш. Мустақил Ўзбекистон Республикасида янги жамият қуришида янги анъаналарни шакллантириш. Бунда улғ халқимиз, унинг ёш авлодлари тарих билан доимий равишда ҳаётий алоқани хис қилиши, ўз муқаддас анъаналарини бутунги кунда давом эттирилиши, ушбу анъаналар халқимизнинг фахри ва шуҳрати эканлигини тўлиқ хис қилиб, англаб етмоқликлари зарурдир.